Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
9 февраль
ЧОРШАНБА

№ 12
(12.336)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Вилоят ҳаёти

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

БУ СОҲАНИНГ ЗЎРИ – ЎЗИМИЗ

Шаҳарда мотокросс спорт тури бўйича вилоят кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятдан 22 спортчи иштирок этди.

Мусобақа якунларига кўра, Тошкент вилояти спортчилари 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Шахсий ҳисобда "500 см³" классдаги мотоцикллар бўйича 1-ўринни Ленур Небиев (Тошкент вилояти), 2-ўринни Андрей Сазонов (Тошкент вилояти) ва 3-ўринни Евгений Львов (Тошкент шаҳри) эгаллади.

"350 см³" классдаги мотоцикллар бўйича учта совринли ўрин Александр Кондрашов (Тошкент шаҳри), Рашид Иброҳимов (Тошкент вилояти) ва Владимир Чевериковга (Тошкент шаҳри) насиб этди.

Мусобақада 17 ёшгача бўлган спортчилар ҳам қатнашдилар. Улар "125 см³" классдаги мотоцикларда беллашиб, учала совринли ўринни вилоятимиз вакиллари Шевкет Сулейманов, Изет Сулейманов ва Темуржон Аҳмедов қўлга киритди.

Голиблар "Ватанпарвар" ташкилотининг тегишли диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

АНГРЕН ШАҲРИ

ДИН БОШҚА, ДИНИЙ ОҚИМ БОШҚА

Ангрен шаҳар прокуратураси касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида "Ҳуқуқий тарбия, унинг ёшлар камолотидаги ўрни" мавзусида тадбир ўтказди.

Семинарда қайд этилганидек, юртимиз ёшларининг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Тадбирда сўз олганлар, одамлар ўртасида эзгулик ва яхшиликни тарғиб этувчи ислом дини билан турли зарарли диний оқимларни бир-бирига умуман таққослаб бўлмаслигини, диний ақидапарастларнинг мақсади инсонларни тўғри йўлдан чалғитиш ва бузғунчилик эканлигини таъкидлашди.

Ўзаро савол-жавоб тарзида ўтган тадбирда ёшларнинг амалдаги қонунлар моҳиятини чуқур ўрганиб, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишлари муҳим эканлиги алоҳида қайд этилди.

Анжуманда ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шоҳрух ҲАКИМОВ.

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ТЎПНИ ЭПЛАГАН ТЕПАДИ

Янгибозор марказий ўйингоҳида қишлоқ жамоалари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

Қизиқарли беллашувларга бой бўлган мусобақада биринчи ўринни "Султонравот" жамоаси, иккинчи ва учинчи ўринларни эса "Янгибозор" ҳамда "Кавардон" жамоалари қўлга киритди.

Голиб жамоаларга ҳомий ташкилотлар – Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман вакиллиги ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ТАЪЛИМ

ШУ ДАРГОҲДА ЎСИБ-УНДИМ, УЛҒАЙДИМ...

Ўртачирчиқлик олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Зуҳра Солиева ўзи ишлайдиган 16-умумтаълим мактабини "қирқ йиллик қадрдоним" дея улуғлайди.

– Ҳали етти ёшга тўлмасимданоқ ота-онамга эргашиб мактабга келиб, партага ўтириб олиб нималарнидир чизиб-ёзишни яхши кўрар эканман, – дейди у. – Мактабнинг хўжалик ишларини юритаётган ота-онам ҳам ўқитувчилар меҳнати, эл-юрт орасидаги ҳурмати, обрў-эътиборига ҳавас билан қарар, бизнинг фарзандлар ҳам илм зиёсини таратувчи маърифат кишилари бўлади, дея ният қилишган экан. "Яхши ният – ярим давлат" деганларидек, мана беш опасингил ўқитувчи бўлиб ишлаяпмиз. Бу касбга бўлган меҳр фарзандларимга ҳам ўтди. Энди икки қизим Хуршида ва Хурриятлар ҳам ўқитувчи. Бири ўзим каби бошланғич таълим ўқитувчиси, бири жисмоний тарбиядан дарс беради. Улар болажонларни жон-дилдан севишади. Ўзим ҳам ўқувчиларимни бирор кун кўрмай қолсам, соғинаман. Беғуборлик, самимийлик акс этиб турган нигоҳларга боқиш, ўқитиш, ўргатиш менга завқ, ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Фидойи ўқитувчи, ўз ишининг устаси, жонкуяри бўлган мураббий баъзан рўзғор ишларини ҳам унутиб қўйиши бор гап. Болажонларга пухта билим бериш, хушхулқли қилиб тарбиялаш ўқитувчидан катта масъулият талаб этади. Бу юкни сидқидилдан, виждонан кўтариб келаётган Зуҳра Солиеванинг меҳнатлари Баркамол авлод йилида муносиб баҳосини олди. У "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Энди фидойи устозмураббий нафақат болажонларнинг, балки ўзи ўқитган иқтидорли ёшлар – Наима Бойназарова, Феруза Исаева, Дилдора Жамоловага ҳам касб сирларини ўргатмоқда.

Сайёра ЭШМАТОВА.

СУРАТДА: Зуҳра Солиева ўқувчилари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ТОКИОГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 8 февраль куни расмий ташриф билан Япония пойтахти Токио шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎзА.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Б. Салибаевни Оҳангарон тумани ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳокими лавозимига Салибаев Бахтиёр Лютфиддинович 2011 йил 8 февралдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Оҳангарон тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.

Тошкент шаҳри, 2011 йил 8 февраль.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келган Бахтиёр Лютфиддинович Салибаев Оҳангарон тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

ТИЗИМ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашуви учун қандай қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш назарда тутилмоқда?

Кеча вилоят ҳокимлигида ўтказилган семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Қўчқор Тоғаев Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида илгари сурилган фикрлар мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берди. Хусусан, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида шу пайтгача эришилган ютуқлар, ўтган сайловлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллашувини кутаётган меъёрлар ҳамда Юртбошимиз ташаббуси билан яқин келажакда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар хусусида қизиқарли фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

БУГУН – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ЯХШИЛИК

Қанчалар ширин бўлмасин, ҳаёт фақат яхшиликлардангина иборат эмас. Дунё яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш асосига қурилгандек.

Адабиёт ҳаётни акс эттирар экан, жаҳонга фақат ва фақат инсон кўзи билан боқади. Инсон эса – табиатан ўта мураккаб хилқат. Яшашнинг ўзи ҳам осон кечаверадиган нарса эмас. Умр гоҳ хуш, гоҳ нохуш кайфиятлар гирдобида ўтади. Ҳаётнинг бу жиҳатларини жуда нозик туйғулар орқали қалбан ҳис этадиган шоирларни яхшилик ва ёмонликка муносабат кўпроқ қизиқтиради.

Инсонда нафс бор экан, у нимадандир таъмагир бўлаверади. Таъма эса кишини ёмонликлар сари етаклайверади. Дунёда яхшиликнинг уруғи қанча кам бўлса, ёмонликнинг уруғи шунча кўп. Халқ билиб айтган: "Ёмон қовуннинг уруғи кўп бўлади".

Хўш, нега шундай?

Навоийни ана шу асрий савол қийнайди. Мана бу рубоий, афтидан, айнан шу дард билан битилган:

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлук,
То бир киши айлагай таманно хушлук?!
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлук,
Омодадурур ёнида юз нохушлук.

Рубоийнинг мазмунини тушуниб олиш қийин эмас. Бу жаҳонда яхшилик кўрган киши бормикан? Яхшилик қиламан, деб ният айлаган бирон кимса топилармикан? Ахир, агар юз йилда бир яхшилик пайдо бўлса, кетидан юз ёмонлик келадику!

Шоир тўғридан-тўғри насиҳат қилаётгани йўқ. Рубоийда китобхонга бевосита хитоб ҳам кўринмайди. Лекин, зимдан сезилиб турибдики, яхшилик – ўта ноёб нарса. Демак, уни бағоят қадрлаш керак. Одамлардан яхшилик кутиб, умидвор бўлиб ҳам юрманг. Бировлардан ёмонликлар кўрсангиз, дунё ўзи шундай тузилганини эсдан чиқарманг. Ҳаёт қандай бўлса, уни шундай қабул қилиш, шундайича сева олиш керак. Бошқа оқилона йўл йўқ...

Навоий гоҳида шунга ўхшаш кайфиятларини ҳам рубоийга солиб баён этади. Аниқроғи, Оллоҳга етиш йўлига кирган ошиқ учун бундан яхши йўл йўқ. Бошқа бир рубоийда айтилганидек, чин ошиқ жамиятнинг бу каби абадий муаммоларини унутиши, лоақал, кўриб, кўрмасликка олиши керак:

Гар ошиқ эсанг, зебу
такаллуфни унут,
Яхшию ямон ишда
тахаллуфни унут.
Ўткан гар эрур ямон –
таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши –
тасарруфни унут.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, "Ўзбекистон-Иордания" дўстлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамкорлигида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида шоир ва мутафаккир, буюк давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган "Навоий маънавияти – баркамоллик мезони" мавзуида адабий-бадиий кеча ўтказилди.

БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ

Кечада Республика Фанлар академияси вице-президенти, Дўстлик жамиятлари кенгаши раиси, академик С. Ғуломовнинг "Навоий – фахримиз", навоийшунос олима С. Ғаниевانинг "Алишер Навоий илм ҳақида", Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Алининг "Алишер Навоий ижоди жаҳон миқёсида" мавзуларидаги маърузалари тингланди. Тадбирда иштирок этган олимлар, дўстлик жамияти фаоллари, мутахассислар ва талабалар мумтоз шоир ижоди билан янада яқинроқ танишдилар.

«Туркистон-пресс».

МАҲАЛЛА ҲАММА ИШДА БОШ

Бўка туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Вилоятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар тарбияси билан шуғулланиш самарадорлигини оширишда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг вазифалари" мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этган семинарда вилоят прокуратураси, ИИБ, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоят вакиллиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси вакиллари тингловчилар учун маруза қилишди. Беш шўъбага бўлиниб, иш олиб борган семинарда "Болалар ҳуқуқий ҳимоя тизимининг асосий вазифалари, вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашда давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалларнинг роли", "Мамлакатда фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш ва барқарор ривожлантириш жараёнида маҳалла маслаҳатчиларининг одам савдосига қарши курашда, наркотрафик ва гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб келишга қарши курашишдаги вазифалари ва масъулияти" каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Абдулла САИДОВ.

СУРАТДА: семинардан лавҳа.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

ЖИНОЯТ КЎЧАСИДАГИ АЁЛ

Оила, хонадон фариштаси, келажак авлод давомчиси – аёлнинг жиноят йўлига кириши жамият ҳаётидаги машъум иллатдир

Аёл – жамият гултожи, ҳаёт гўзаллигининг тимсоли. Дунёда аёл бор экан, энг гўзал ҳислар, энг инжу туйғулар мавжуд. Меҳр-муҳаббат, севги ва вафо, поклик ва ҳалоллик, ор-номус каби муқаддас тушунчалар аввало аёл қалбидан яралади. Донолардан бири айтганидек, токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамиша янги гап, яхши сўз айтиш мумкин.

Дунёда ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳар бир инсон турмуш тарзи, олдига қўйган мақсади, дунёқараши ва онгу тафаккури билан ўз йўлини танлайди. Айни шу жараёнда кимдир билиб-билмай, тасодифан, яна биров қасддан жиноят кўчасига киради. Ақли расо одам борки, бу йўлни қанчалик аянчли эканини яхши билади, тасаввур қилади. Чунки бу йўлнинг охири ўз эркини, озодлигини йўқотиш, ҳаётини заҳарлаш, жамиятдан узилишдир. Зотан, инсон учун озодлик ва эркинликдан кўра қадрлироқ неъмат йўқ.

"Жиноятчи" деган номни олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини тўла ифода этиш қийин. Чунки бу сўзни эшитиб, этимиз жимирлайди, "Худо сақласин", деймиз. Агар ана шу ном ҳаётимизда азиз ва муқаддас бўлган аёлга нисбатан айтилса-чи? Кўз ўнгимизда она, сингил, суюкли ёр бўлиб гавдаланадиган аёлни жиноятчи сифатида панжара ортида тасаввур қила оламизми?!

(Давоми 4-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙМОҚДА

Маълумотларга қараганда, сайёрамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йил сайин камаймоқда, бу эса жаҳон миқёсида нархларнинг қимматлашувига олиб келиб, озиқ-овқат танқислиги масаласида жиддий муаммога айланмоқда.

Вилоятимиздаги суғориладиган экин майдонлари учун асосий хавф ерларнинг шўрланишида кўрилади. Бу муаммони шўр ювиш, умуман, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан ҳал этиш мумкин.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилишида асосан шу муаммони ҳал этиш масаласига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедициясининг вилоят экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган текширувлар натижалари ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Вилоятимиздаги суғориладиган майдонлар 393 минг 314 гектар бўлиб, шундан 1883 гектари, яъни 0,47 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмон. 9602 гектари, яъни 2,45 фоизи шўрланган бўлиб, шундан 7860 гектари кучсиз, 1714 гектари ўртача, 28 гектари кучли шўрланган.

Кўриниб турибдики, кучли шўрланиш хавфи йўқ. Лекин шундай бўлсада, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва сизот сувлари сатҳини меъёр даражада ушлаб туриш учун 8418,5 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 40 та зах қочириш қудуқлари ва 2 та мелиоратив насос станциялари фаолият кўрсатмоқда.

2011 йилда мелиорация объектлари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш мақсадида 12,8 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Бу маблағ доирасида режалаштирилган чора-тадбирлар амалга оширилса, йил давомида 792 гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ва 29 минг 142 гектарининг мелиоратив ҳолати ёмонлашувининг олди олиниши кутилмоқда.

Комиссия йиғилишида, шунингдек, экологик муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Зангиота ва Чиноз туманларидаги айрим оқава сувларни тозалаш станцияларининг талаб даражасида ишламаслиги туфайли аҳоли шикоятларига сабаб бўлиб, табиат ва инсон саломатлиги учун хавф туғдираётгани таъкидланди.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг асосий вазифаларидан бири қонунларнинг ижрочи ҳокимият томонидан қандай бажарилаётганини депутатлик назорати остига олиш ҳисобланади.

Комиссия йиғилишида таъкидланганидек, жойларда қишлоқ хўжалиги ва экология билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, уларга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ижросига тегишли ташкилот ва маҳаллий ҳокимият идоралари қай даражада эътибор бераётгани депутатлар назаридан четда қолмаслиги лозим.

Йиғилишда, шунингдек, аҳолининг мурожаатлари ва муаммолар юзасидан тегишли идораларга депутатлик сўровлари жўнатиш ва ижросини назоратга олиш, халқ депутатлари туман кенгашлари доимий комиссиялари ишини жонлантириш бўйича керакли тавсиялар берилди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

15 КУН ВА 7 СОАТ

"Соғлом авлод учун" жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими кам таъминланганлар, туғиш ёшидаги аёллар, ногиронлар, ётиб қолган қариялар учун хайрия тадбири ташкил этди. Ўн беш кун давомида жамғарманинг вилоят бўлими орқали олинган 65 миллион сўмлик дори-дармон муҳтожларга тарқатилди.

– Шу жараёнда ёш аёлларни малакали тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур маслаҳатлар бердик, – дейди жамғарма шаҳар бўлими раиси Фарида Усмонова. – Айни пайтда ўнта мактабдаги хайрия тадбирида ўқувчилар ўртасида аниқланган касалликларни даволаш юзасидан тушунтириш бериб, дори-дармон улашилди. Етти соатлик тиббий маърифат машғулотларида соғлом турмуш тарзи, тиббий маданият масалаларига доир суҳбатлар ўтказилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: хайрия тадбири пайти.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Москва шаҳридаги Санъат ходимлари марказий уйида ўзбекистонлик рассом Николай Корниловнинг миллий кўргазмаси очилди.

МОСКВА САНЪАТ УЙИДА

Кўргазмада рассомнинг графикага оид ишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланиб, унинг тез ва енгил, аниқ ва ўткир чизиқлар билан кўрганларини қоғозга кўчириш қобилиятига эгалиги қайд этилди. Унинг асарлари инсон табиати, кайфияти, бетакрор хислатларини томошабинга моҳирона етказиб беради. Ижодий ишлари Болгария, Венгрия, Чехия, Словакия, Куба, Польшанинг босма нашрларида чоп этилган.

«Туркистон-пресс».

НИГОҲ

ҚОЧИБ БОРИШГА ЖОЙ ҚАЙДА?

Қирғизистонни тарк этиб, ўзга юртлардан бошпана топишни истаётганлар тобора кўпаймоқда

Бундай мажбурий хатти-ҳаракатларнинг асосий сабаби мамлакатда юзага келган сиёсий беқарорлик, аҳоли ўртасида миллатчилик кайфиятининг кучайгани, ҳамма жойда коррупциянинг авж олгани, шунингдек, ҳар қадамда ишсизлик қийнаётганидадир.

Бундай миграциянинг асосий омили сифатида ўтган йилнинг ёзидаги фожиали воқеаларни келтириш, бизнингча, жуда ўринли бўлади. Зеро, одамлар чет элда вақтинча ишлаб пул топиш учун эмас, аслида Россия ёки Қозоғистонда доимий яшаш мақсадида мамлакатни тарк этишга қарор қилмоқдалар.

Расмий маълумотларга қараганда, Қирғизистон аҳолисининг 11 фоизи ёки 600 минг киши ҳозир чет элларга чиқиб ишламоқда. Шундан 400 минг киши – Россияда, 55 минг киши – Қозоғистонда.

Қирғизистон республикаси меҳнат, бандлик ва миграция вазири А. Рисқуловнинг сўзларига кўра, меҳнат мигрантлари аслида қанча эканлигини аниқ айтишнинг иложи йўқ. Негаки, хорижга чиқиб кетаётганларнинг ҳаммаси ҳам расмий рўйхатдан ўтавермайди. Бу орада эса, Россия ва Қозоғистон ҳукуматлари ўз ҳудудларига Қирғизистондан оқиб келаётган меҳнат мигрантлари устидан назоратни кучайтирди. Москва шаҳрининг меҳнат ва аҳоли бандлиги департаменти маълумотларига кўра, 2011 йилги меҳнат мигрантлари квотаси (меъёри) 50 минг кишига қисқартирилган. Бунинг сабаби шундаки, 2009 йилда хорижий ишчи кучларига талаб қарийб икки баравар қопланди.

Қозоғистон ҳукумати меҳнат мигрантларига нисбатан сиёсатни янада ўткирлаштириб, 2011 йилги қишки Осиё ўйинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш муносабати билан қирғизистонлик меҳнат мигрантларини мамлакатдан чиқариб юбориш, шунингдек, уларнинг болаларини ҳам мактаблардан четлатишни мўлжалламоқда. Шу сабабли Қирғизистон ҳукумати кейинги пайтда юзага келган ташқи меҳнат миграцияси масалаларига оид муаммолардан қаттиқ ташвишда. Бу борада зўр бериб амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳозирча ҳеч қандай натижа бермаяпти.

Жумладан, Остона шаҳрида Қирғизистон делегациясининг Қозоғистон томони билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу тадбир икки томонлама ҳамкорлик ва Қирғизистонга ёрдам кўрсатиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Қирғизистон ва Қозоғистон ишчи гуруҳлари мажлиси қарорини амалга ошириш тадбирлари режаси доирасида ўтди. Қирғизистон меҳнат вазири А. Рисқулова бошчилик қилган вакиллар таркибига Ички ишлар вазирлиги ва Давлат миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам киритилган эди. Учрашувда Қозоғистон томонидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазири Г. Абдукаликов ва ИИВ ҳамда МҲҚ вакиллари иштирок этди.

Оммавий ахборот воситаларининг шу ҳақда берган ахборотларига қараганда, учрашув давомида миграция жараёнларини тартибга солиш юзасидан икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Чунончи, икки мамлакат ўртасидаги меҳнат миграцияси масаласи бўйича давлатлараро келишувнинг ижроси ҳамда Қирғизистон фуқароларининг Қозоғистон орқали транзит ҳаракатлари чоғида юзага келадиган масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, Қирғизистон фуқароларининг Қозоғистон ҳудудида рўйхатдан ўтмаган ҳолда 90 кунгача туришлари тартибини сақлаб қолиш имкониятлари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашувда қирғизистонлик меҳнат мигрантлари фарзандларини Қозоғистон ҳудудида ўрта таълим олишларини таъминлаш масаласи ҳам кўтарилди. Бунда Қозоғистон томонининг эътибори мигрантларнинг фарзандларини мактабларидан четлатиш билан боғлиқ айрим масалаларга қаратилди.

Қирғизистон томони айрим фуқароларнинг Қозоғистонда 30, 60, 90 кун давомида рўйхатдан ўтмай яшаш тартиби юзасидан қўшимча келишув имзолаш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этди.

Қозоғистон иқтисодий бошқарув ва савдо вазирлигида қирғизистонлик фуқароларнинг Қозоғистон ҳудудида ва қозоғистонликларнинг Қирғизистонда хусусий тадбиркорлик фаолияти юритиш тартиби тўғрисидаги келишувни ратификация қилиш масаласи муҳокама этилиб, 2009 йил 16 июлда имзоланган эди. Таъкидлаш жоизки, ушбу келишувни Қозоғистон томонидан ратификация қилиниши ҳозирги вақтда муаммоли масала бўлиб турибди. Негаки, Қозоғистон келишувнинг ҳар бир бандини янги ташкил этилган Божхона иттифоқининг ҳуқуқий меъёрлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва ўз ҳаракатлари ҳақида ушбу иттифоқнинг бошқа аъзолари билан келишишга мажбур.

Умуман айтганда, Қирғизистон вакилларининг ушбу сафари якунлари юқоридаги муаммоларни ҳал этиб беролмади. Қирғизистон раҳбарлари миллий иқтисодиётни соғломлаштириш билан жиддий шуғулланишларига тўғри келади. Ички сиёсатдаги бебошлик, тартибсизлик ва давлатни қамраб олган коррупцияни охиригача тугатмоқ талаб этилади. Мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлаш зарур. Булар одамларнинг тинч ва соғлом ижтимоий-иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари учун сув билан ҳаводек зарур бўлган устувор шартлардир.

Улан АЙДАРҚУЛОВ.
Центр Азия – www.centrasia.ru

ТАНЛОВ

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг асосий йўналишларидандир. Бунга ички ишлар идоралари, жумладан, жойлардаги милиция таянч пунктлари ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Милиция таянч пунктлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор юртимизда, маҳаллаларда осуда ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур тадбир орқали энг илғор тажриба ва ютуқлар милиция таянч пунктлари ўртасида оммалаштирилаётир.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ушбу танловнинг 2010 йилги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур кўрик-танлов уч босқичдан иборат бўлиб, унинг дастлабкиси шаҳар ва туманлар, иккинчи босқичи эса вилоятлар миқёсида ўтказилди. Танловнинг якуний босқичида вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 милиция таянч пункти иштирок этди.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Кўприкбоши" маҳалла фуқаролар йиғини 152-сонли милиция таянч пункти, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги "Тоғлиқ" маҳалла фуқаролар йиғини 152-сонли милиция таянч пункти, Навоий вилояти Кармана туманидаги "Малик" фуқаролар йиғини 52-сонли милиция таянч пункти, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги "Ишчилар" маҳалла фуқаролар йиғини 181-сонли милиция таянч пунктлари ўз ҳудудлари бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга "Matiz" автомашиналари топширилди.

Танловда, шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган милиция таянч пунктлари ҳам аниқланди. Танловнинг "Энг маҳоратли профилактика инспектори", "Ёш авлод ҳимоячиси", "Энг фидойи маҳалла раиси", "Ташаббускор маҳалла посбони", "Фаол маърифатпарвар маслаҳатчи", "Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси", "Адолатли яраштириш комиссияси" номинацияларида бўйича ҳам энг саралар аниқланди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

ЎзА.

СУРАТДА: танлов ғолиби Қибрай туманидаги "Кўприкбоши" маҳалла фуқаролар йиғини 152-сонли милиция таянч пункти инспектори Жонибек Карманов.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«АЛЛО, ОГОҲ БЎЛИНГ»

Оҳангарон шаҳридаги маиший хизмат ҳамда саноат касб-ҳунар коллежларида талабалар билан огоҳлик мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди.

Тадбирлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон шаҳар бўлими кенгашининг ёшлар маънавиятини юксалтириш, шаҳарда маънавий муҳитни соғломлаштириш, терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик ва одам савдоси иллатларига қарши ҳушёрлик ва огоҳликка чорлашга қаратилган чора-тадбирлар доирасида ташкил этилди.

Давра суҳбатларига Маънавият-тарғибот маркази ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан вакиллар таклиф этилди. Улар ўз маърузаларида таълим олиш билан машғул ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва миллий қадриятларимизга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг нафақат билими, балки ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини ўстириш бугуннинг долзарб масалаларидан эканлигини таъкидлашди. Маърузалар юзасидан ўқувчиларда туғилган саволларга батафсил жавоб беришди.

Тадбирлар якунида "Алло, огоҳ бўлинг", "Экрандаги олабўжи", "Эҳтиёт бўлинг, мультфильм" мавзуларида ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Юқоричирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Қибрай туман 3-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2011 йил 28 февраль кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Пискент туман давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Ангрен шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Янгийўл туман 5-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Янгийўл туман 6-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Чирчиқ шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Қибрай туман 1-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар
Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасида – 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2011 йил 17 февраль кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИ

Бугун ҳар биримиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлатимиз раҳбари 2015 йилгача бўлган даврда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида илгари сурган улкан режаларнинг руҳлантирувчи таъсири остида яшамоқдамиз. Шу асосда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги техника ва технология билан жиҳозлаш, етакчи тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордик. Ёқилғи-энергетика, кимё саноати, геология бу жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

Истиқболли вазифаларни амалга оширишда тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг иштироки кучайиб бораяпти. Улар йирик дастурий вазифаларни изчил амалга ошириш учун маҳаллий давлат бошқаруви идоралари ва хўжалик ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликда фаолият кўрсатаётир. Асосий эътибор ёқилғи-энергетика, кимё саноати, геология-қидирув соҳаларида самарадорликни оширишга бутун куч ва имкониятларни сафарбар этишга қаратилаётир.

Бу жараёнларда жамоа шартномаларида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси республикани иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий омилига айланаяпти. Бугун вилоят тармоқ касаба ташкилотимиз ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё саноати ва геология соҳаларидаги 46 минг 700 дан зиёд меҳнатчини ўз сафига бирлаштириб турибди. Улар меҳнат қилаётган 59 та корхона, муассаса ва ташкилот жамоа шартномалари асосида иш юритмоқда. Бу ҳужжатлар касаба ташкилотларимиз иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойили асосида тенгма-тенг муносабат ўрнатиши, амалдаги қонунчилик меъёрлари ва талаблари бажарилишига эришиш имконини бермоқда. Уларда ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба қўмитасининг розилиги олиниши шарт қилиб қўйилган. Бу ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ишончли ҳимояланишини таъминламоқда.

Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини кафолатловчи бу муҳим ҳужжатларда касаба аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, соғликларини тиклаш ва дам олишларини ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси, спорт, маънавий-маърифий тарбия масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ишловчи манфаатларини кўзловчи тадбирларни амалга ошириш учун маъмурият ҳар бир ходимга сарфлаётган харажатлар кейинги йилларда 27 фоиз кўтарилиб, деярли 4 миллион сўмга етди.

Касаба қўмиталаримиз бандлик дастури доирасида Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари корхоналарида 16 минг 340 ишчи-хизматчининг малакасини ошириш ёки бошқа касбларга қайта тайёрлаш курсларида ўқитилишини ташкил этди. Қисқа фурсатда 1310 та янги иш жойи барпо этилди. Квоталаштирилган иш жойларига 691 киши қабул қилинди.

Вилоят касаба ташкилотимиз, касаба қўмиталари ходимларнинг меҳнат шароитлари ва турмуш даражаларини яхшилаш мақсадида кейинги йилларда турли манбалар ҳисобидан кам таъминланган ва ёш оилаларга 405,2 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатди. Фақат уйжой қуриб олиш учун 340 ёш оила 328 миллион сўм фоизсиз ссуда олди. Ходимларнинг фарзандлари олий ўқув юртида билим олишлари учун контракт тўловларига 204 миллион сўм сарфланди. Бошқа ижтимоий мақсадлар учун сарфланган маблағлар 228 миллион сўмдан ошди. Бундан ташқари, Ангрен ва Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли талабаларига стипендия тайинланяпти.

Вилоят касаба ташкилотларимиз меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этиш, иш ҳақи вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жамоа шартномаларида "Янги Ангрен ИЭС", "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамиятлари ва "Ўзбекгеофизика" очиқ акциядорлик бирлашмасида пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар, "Максам-Чирчиқ", "Ўзбеккимёмаш", "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик корхоналарида иш ҳақини тўлаш муддати кечиктирилганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги, ходимнинг фойдасига пеня ҳисоблаш, "Тошгазтаъминот", "Тошкент ИЭС" унитар корхоналари, "Биокимё" очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарда иш ҳақи тўловлари банк айби билан кечиктирилган ҳолларда тегишли жарималар ва фоиз ставкалари берилишини талаб қилиш, мулк гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчининг мажбуриятлари кўзда тутилган.

Тармоқ корхона ва ташкилотларида мониторинг тизими жорий этилиб, иш ҳақи тўланиши ойма-ой таҳлил қилиниб, қарздорликни бартараф этиш чоралари кўриляпти. 2006 йилги маошдан 428,6 миллион сўм миқдоридаги умумий қарз бартараф этилиб, олдинги йил якунида бу муаммо бутунлай ҳал қилинди.

Албатта, бу натижалар хотиржамлик учун асос бўла олмайди. Айрим касаба қўмиталари ҳамон етарли талабчанлик кўрсатмаяпти, жамоа шартномаларининг шартлари бажарилмагани сабабларини ўрганиб, таҳлил қилмайди, бу масалалар вақтида кўриб чиқилиши учун қатъият кўрсатмайди. Жамоа шартномалари шартлари бажарилмаган тақдирда, касаба етакчилари меҳнаткашларнинг манфаатларига етказилган зарарни аниқлаш, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўрилишига эришишлари лозим. Фақат шундай талабчанлик кўрсатибгина ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъсирчанлигини оширишимиз, ишловчиларнинг ишончи ва ҳурматини қозонишимиз мумкин.

Лекин бунга эришиш учун фаолларимиз, умуман, барча ходимларнинг ҳуқуқий савиясини, ташкилотчилик малакасини ошириб боришимиз лозим. Меҳнаткашларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўникмасини мустаҳкамлаш, айниқса, муҳим. Шуларни ҳисобга олиб, касаба фаолларини ўқитиш, ходимларнинг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чораларини кўраётирмиз. Шу мақсадда 30 дан ортиқ ўқув-семинар ташкил этилди.

Бу машғулотлар, малака ошириш ўқувлари, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарбияга оид ишларимиз касаба ташкилотларимизнинг барча йўналишлардаги фаолияти кучайишига хизмат қилаётир. Кейинги саккиз ой давомида мутахассисларимиз 15 та корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги вазиятини ўрганиб чиқишди. Қонунбузилишларга оид 20 та камчилик мониторинг ва текшириш давомида бартараф этилди. Тармоқ корхоналарида бахтсиз ҳодисалар 53 фоиз камайганлиги бунинг далилидир.

Тармоқ ходимларини дам олдириш ва соғломлаштиришда, маданий-маърифий ва спорт ишларини кучайтиришда ҳам жамоа шартномаларининг таъсири ошиб бораяпти. Тармоқ корхоналари 2 та маданият саройи, 7 та кутубхона, 3 та спорт майдончаси, 5 та болалар оромгоҳига эга. 3 мингдан ортиқ меҳнатчи спорт секцияларида чиниқиб, мусобақаларда фаол қатнашаётир. Касаба ташкилотимиз "Соғлом она – соғлом бола" шиори остида аёллар, шунингдек корхоналараро мини-футбол ва теннис турнирлари, оилавий мусобақалар, олти спорт тури бўйича тармоқ спартакиадасини ўтказишда муайян тажриба орттирди. Спортчиларимиз вилоят мусобақаларида ҳам самарали қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сўнгги мажлисида Юртбошимиз 2015 йилгача бўлган муддатда мамлакатни модернизациялаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқ-равшан белгилаб берди. Улар муваффақиятли бажарилишида ёқилғи-энергетика, кимё саноати ва геология корхоналари ҳамда ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, биз ўз ташкилотчилик фаолиятимизни бугунги талаблар даражасига кўтариб, меҳнат жамоаларини тармоқни барқарор ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишга эътиборни кучайтириб боравамиз.

Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакили.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ҚИБРАЙ. "Ўзбекгеофизика" очиқ акциядорлик жамиятида ходимларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида 16 хонадонга мўлжалланган уй қуриб, фойдаланишга топширилди. Бугун 9 ёш оила ҳам шу шинам уйларда яшамоқда.
Ҳабибулла АЛИМОВ.

АНГРЕН. "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамиятида ер ости ишлари жараёнларида меҳнатни муҳофаза қилиш чоралари изчил тус олдириляпти. Сўнгги вақтда 700 та янги муҳофаза воситалари олинди. Бунга 54 миллион сўм маблағ сарфланди.
Кундуз КАРИМОВА.

ЧИРЧИҚ. "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб-чиқариш цехидаги 7-агрегат реконструкция қилинди. Натижада ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага чиқиши йилига 6,5 тоннага камайди. 397 ходим, шу жумладан, 81 аёлнинг меҳнат шароити яхшиланди.
Алексей МАТВЕЕВ.

ҒАЗАЛКЕНТ. "Чотқол" санаторийсида ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология корхоналари меҳнат муҳофазаси мутахассислари учун ўқув машғулоти ташкил этилди. Малакали ходимларнинг тармоқ корхоналаридаги аҳволнинг таҳлили, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этишни таъминлаш тажрибаларига доир маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.
Ҳамид ОЛИМОВ.

УСТОЗ МИНБАРИ

ТАРБИЯ – БИРЛАМЧИ

Биз ёшларга умид билан қараймиз, нимагаки эришаётган бўлсак, уларга мерос қилиб қолдирамиз. Бугунги авлод мустақиллик шароитида Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига кўтаришига эришиш мақсадида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётир. Асосан энергетика корхоналари учун малакали ходимлар тайёрланаётган коллежимизда йигит-қизлар ишчи касбларини пухта эгаллашаётир. Юқори малакали педагог-ўқитувчилар, таълим усталари уларни катта ҳаётга тайёрлаш учун тинмай изланаяптилар. Битирувчилар тармоқ корхоналарида меҳнат қилиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётганликлари жамоамиз меҳнатининг самарасидир.

Бу жараёнда маънавий-ахлоқий тарбияга бирламчи вазифа сифатида қарамоқдамиз. Касаба уюшмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари, хотин-қизлар қўмитаси тарбиявий ишларни ташкил этишда коллеж маъмуриятининг ҳамкорига айланди. Айниқса, касаба қўмитасининг фаолияти ибратли. Кам таъминланган оилаларнинг коллежимизда ўқиётган 10 нафар иқтидорли фарзанди тармоқ касаба уюшмасининг стипендиясини олиб турибди. Касаба қўмитаси бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, танловлар, саёҳатлар ташкил этиб, ўқувчи-ёшларимиз онгида она Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтиряпти. "Заковат" клубимизда иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида шуғулланилаяпти. "ИЭС" йўналиши биринчи босқич ўқувчиси Д. Далабоев "Келажак овози" кўрик-танловининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашди.

Баркамол авлод тарбияси жараёнида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларда зарарли одатларга қарши тура олиш кўникмасини чиниқтириш, уларни "оммавий маданият" таъсиридан муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутади. Бу масалалар касаба қўмитаси мажлисларида мунтазам кўрилиб, зарур тарбиявий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бўш вақтда йигит-қизлар санъат турлари, спорт мусобақалари билан шуғулланишлари учун тўгараклар, қизиқишлар бўйича клублар фаолияти кенгайтириляпти. Тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакиллиги томонидан Ангрен кимё технологиялари касб-ҳунар коллежи билан ўқувчиларимиз ўртасида ўтказилган "Баркамол авлод – келажак бунёдкори" кўрик-танловида шогирдларимиз тўрт номинация бўйича ғолиб чиқишди. Олмалиқда ўтган танловда улар уч номинация бўйича ғалаба қозониб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. "Касб маҳорати" танловининг вилоят босқичида 3-босқич тикувчилик ишлаб чиқариш йўналиши ўқувчиси Муниса Ғафурова фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Биз тарбиявий ишларимизни яна ҳам кенгайтириш чораларини кўраётирмиз, Ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларда шахсий ташаббускорлик руҳини кучайтириш бугунги устувор вазифамизга айланди.

Музаффар ҲАСАНХЎЖАЕВ,
Қибрай туман энергетика касб-ҳунар коллежи бош устаси, касб-ҳунар таълими аълочиси.

СУРАТДА: Қибрай туман энергетика касб-ҳунар коллежи касаба қўмитаси раиси Фазилат Қўчқорова (ўртада) бош уста Музаффар Ҳасанхўжаев ва директор ўринбосари Солия Тожиева билан касбий, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш хусусида суҳбатлашмоқда.

КАСАБА уюшмалари ва ДАВР

СУРАТЛАРДА: 1. "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги комиссиясининг фаолларидан бир гуруҳи. 2. Шу корхона касаба қўмитаси раиси Бахтиёр Абдуллаев (чапда) тармоқ касаба уюшмаси вилоят вакиллигининг етакчи мутахассиси Улуғбек Жўрабоев билан. 3. "Ўзбекгеофизика" очиқ акциядорлик жамияти спорт мажмуасининг тренажёр зали ҳамиша гавжум. Спорт бўйича инструктор Аҳад Аҳмедов (чапдан иккинчи) соғломлаштириш гуруҳи машқлари иштирокчиларига тушунтириш бермоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ

Барқарор ва ташаббускор меҳнат жамоасини шакллантириш, соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришда оммавий-маданий ҳамда спорт тадбирларининг аҳамияти катта. Бизнинг тажрибамиз, касаба қўмитасининг шу соҳани бошқарувчи комиссияси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Аввало, маъмурият ва касаба қўмитаси ҳамкорликда бу ишлар учун зарур шарт-шароит яратаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қолаверса, комиссиямиз аъзолари ташаббус кўрсатиб, ҳар бир тадбирни ташкил этишга ижодий ёндошмоқдалар. Тошкент театрлари, концерт заллари, истироҳат боғларига, циркка маданий экскурсиялар, қадимий осориатиқаларга бой шаҳарларга икки кунлик саёҳатлар ходимларимиз маънавиятини бойитяпти. Бу ишларга 55 миллион 833 минг сўм маблағ сарфланди.

Спорт-соғломлаштириш ишлари бўйича комиссиямиз ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний чиниқтириш машғулотларига жалб қилаяпти. Бунинг учун корхонамизнинг барча филиалларида етарли шарт-шароитлар яратилган. Фақат спартакиадаларни тайёрлаш ва ўтказишга 8 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Айни пайтда ходимларимиз вилоят тармоқ мусобақаларида фаол қатнашиб, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ҳамиша совринли ўринларни эгаллаб келаётирлар. Геофизиклар шаҳарчасидаги спорт мажмуамизда фахрийлардан иборат футбол жамоалари ўртасида мусобақалар мунтазам ўтказилади. Шу ерда тренажёр зали жиҳозланган. Мини-футбол, стол тенниси машғулотларига ходимларимиз иштиёқ билан қатнашмоқдалар. Улар учун бирлашган касаба қўмитамиз 12,6 миллион сўмлик спорт анжомлари олиб берди.

Спорт мажмуаси қошида болалар футбол жамоалари тузилган. Катта ёшдаги болалар жамоаси сўнгги вилоят мусобақасида биринчи, кичик ёшдаги болалар жамоаси эса, иккинчи ўринни эгаллади.

Умуман, сўнгги йилларда оммавий-маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари учун 5 миллиард 950 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Рихсибой ЗОКИРОВ,
"Ўзбекгеофизика" очиқ акциядорлик жамияти бирлашган касаба қўмитаси раисининг ўринбосари.

ТАЖРИБА

МЕҲНАТ ШАРОИТИ – ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Мамлакатни модернизациялаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида турли мулкчилик шаклига асосланган иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб бораяпти. Хорижий инвестицияли корхоналар мамлакатимиз ишлаб чиқаришида тобора салмоқли ўрин тутмоқда. Бизнинг "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятимиз бунга яққол мисол. Ҳозирги кунда цех ва бўлимларда 6 минг 300 дан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган 42 турдаги маҳсулотнинг ҳаммаси харидоргир.

Табиийки, бундай йирик корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни муҳофазалаш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, маъмурият билан касаба қўмитаси иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ходимларнинг малакасини ошириб бориш, технологик интизомга риоя қилинишини таъминлаш, ишловчилар саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзаро ижтимоий шерикчилик ва ҳамкорлик бу саъй-ҳаракатларнинг асосидир. Жамоа шартномасининг катта қисми меҳнатни муҳофазалаш тадбирларини қамраб олган. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича битим ҳам амал қилмоқда.

Бу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун ажратилаётган маблағлар сўнгги йилларда 1,2 миллиард сўмдан ортди. Фақат ўтган йилнинг ўзида битимда кўзда тутилган 21 та ташкилий-техникавий ва бошқа тадбирлар тўлиқ бажарилиб, 658 ходим, шу жумладан 154 хотин-қизнинг меҳнат шароитлари яхшиланди.

Корхонада уч босқичли маъмурий-жамоат назорати жорий этилган. Унинг натижалари ойлик иш якунлари кўриб чиқилаётганида алоҳида таҳлил қилинади.

Касаба қўмитаси меҳнат муҳофазасини кучайтиришда жамоатчиликнинг иштирокини фаоллаштириш чораларини кўраяпти. Ҳозир цех ва участкаларда 252 меҳнат муҳофазаси вакили иш олиб бораётир. Бу жамоатчи назоратчиларнинг ҳаммаси махсус курсда ўқитилиб, сертификат топширилди. Уларнинг таашаббускорлигини кучайтиришни кўзлаб, маъмурият билан касаба қўмитаси йил якуни бўйича рағбатлантиришни назарда тутувчи алоҳида низом қабул қилди. Меҳнат шароитини яхшилаш, шикастланишларни камайтириш, иш жойларида меҳнат шароитини соғломлаштиришга қўшган ҳиссаларига қараб, биринчи ўринни эгаллаган вакилнинг сурати "Ҳурмат хиёбони"га қўйилиб, йил бўйи ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорида мукофот пули тўлаб борилади. Иккинчи ўрин учун 7, учинчи ўрин учун 5 энг кам иш ҳақи миқдорида мукофот берилади. Сўнгги "Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил" кўрик-танловида аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехидан Р. Ганиев биринчи, темирйўл цехидан М. Мирсалимов иккинчи, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш цехидан Н. Исмоилов учинчи ўринларни эгаллашди.

Ишловчиларни махсус коржома ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш чоғида касаба қўмитаси вакиллари уларни намуна ва сертификатлар бўйича текшириб чиқишади. Шу боис, ходимларимиз ҳамиша сифатли махсус кийимбош олишади. Уларга сарфланаётган маблағ сўнгги йилларда беш баробардан зиёд кўпайди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг корхона фойдаси ҳисобидан меҳнат муҳофазаси бўйича жамғарма ташкил этиш ҳақидаги қарори хавфсиз иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ва шикастланишларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда. Жамиятимиз Кузатув кенгаши қарори билан шундай жамғарма ташкил этилди. Касаба қўмитамиз билан бошқарув меҳнат муҳофазаси жамғармасини тузиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиблари низомини тасдиқлади. Эндиликда йиллик фойдадан 1 фоизи жамғарма ҳисобига ўтказилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш шароитларини яхшилаш дастурлари ижросига, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш, шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш сингари йирик тадбирларга сарфланмоқда.

Бу маблағлар бошқарув ва касаба қўмитаси биргаликда кўриб чиқиб, Кузатув кенгаши маъқуллаган тадбирларгагина сарфланаётгани эътиборга лойиқ.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
"Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси.

Саҳифани касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА бўлинг
Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

БУГУН – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ЯХШИЛИК

Умуман, ҳаётда ҳамиша яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён – ўзаро курашиб яшайди. Бу кураш кўпроқ киши кўнглида кечади. Кўнгли яхшиликка мойил одамлар эса ёмонликдан ҳазар қилади.

Навоий рубоий жанрининг энг юксак талабларига жавоб бера оладиган олий намуналарни яратди. Демак, у фақат миқдор эмас, сифату савия, яъни бадиият жиҳатидан ҳам энг буюк туркий рубоийнавис бўлиб қолди. Рубоийни шеъриятимиздаги биринчи даражали жанрлар қаторига олиб чиқди.

Бобокалонимиз форсий рубоийнависликнинг барча муҳим хусусиятларини ўзбек адабиётига олиб кириш билан бирга, умуман, жанр тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Шоир рубоийлари бадиий жозибадорлиги, ҳаётий масалаларни ўртага қўйиши, фалсафий мушоҳадалар маҳсули экани, муайян ҳис-туйғу ва ўй-фикрни фавқулодда таъсирчан қилиб ифодалаши билан ажралиб туради.

Навоий рубоийлари бугун ҳам севиб ўқилади. Уларнинг айримлари халқимиз орасида ёд бўлиб кетган.

Кўриб ўтилганидек, яхшиликка даъват бу рубоийларда бош мавзулардан бири янглиғ бўртиб туради.

СЎЗ

Сўз – дунёнинг энг буюк мўъжизаси. Ислом фалсафасида, ҳатто, дунё сўздан яралган, деган қараш бор. Тангри Таоло: Кун! (яъни Ярал!) деган сонияда яралиш ибтидо олган...

Сўз – одамни мукаррам айлади, уни бошқа барча махлуқларнинг сарварига айлантирди.

Сўз – инсон кўнглининг асл ифодачиси. Адабиёт сўз туфайли адабиёт бўлган.

Шунинг учун ҳам мумтоз шоирларимиз достонларида кўпинча Оллоҳ ҳамди, пайғамбар наътидан кейин сўз таърифига бағишланган махсус боб келади.

Лекин оламда сўзни Навоийчалик маромига етказиб таърифлаган шоир кам топилса керак. Бу таърифларнинг ҳар бири – бир шиор. Аҳли адаб уларнинг ҳар бирини қўлига қалам тутишдан олдин бисмилло янглиғ такрорлаб қўйса ҳам – арзигудек.

Бу ҳикматларни бир-бир кўриб чиқиш мумкин. Уларнинг бари қалам аҳли учун доимий ҳикмат, яъни ҳаётий шиор бўлиши мумкин.

Биринчи шиор:

Навосиз улуснинг
навобахши бўл!

Навоий гўё бир умр ана шу ақидага амал қилиб яшаган ва ижод қилгандек. Ахир, бобокалонимиз, чиндан ҳам, навосиз улуснинг навобахши бўлмадими? У яратган ўлмас асарлар тоабад халқимиз ақл-шуурини ёритиб, кўнглини чароғон айлаб келаётгани рост-ку. Бир наво бўлса, шунчалар бўлар-да. Навосиз улуснинг навобахши бўлиш шиори эса ҳаммадан бурун қалам аҳлига керак.

Иккинчи шиор:

Айтиб совумас
таронасен сен.

Бу – "Лайли ва Мажнун"-дан. Шоир сўзни ёзган билан, айтган билан тугамайдиган манба, деб биляпти. Достоннинг сўз гавҳари васфидаги бешинчи бобида мисра қуйидаги байт таркибида келган:

Айтиб совумас
таронасен сен,
Олиб қуримас
хизонасен сен.

Байт моҳиятан адабиётнинг имкони чексиз экани, қаламкаш қанча кўпайса ҳам, сўз хазинаси заррача камаймаслигини уқтиради. Бу ҳар қандай кишини ижод қилаверишга, сўздан санъат яратаверишга ундайди.

Учинчи шиор:

Борча қушнинг оти
булбул бўлмади.

Шеъриятнинг бир қизиқ хусусияти бор. Ҳар бир мисра асарда унинг таркибий қисми сифатида муайян маъно-мазмун англатади. Лекин уни асардан узиб олсангиз, кутилмаганда яна қанчаданқанча маънолар келиб чиқиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бу мисра "Лисон уттайр"да адабиёт ҳақида, аниқроғи, қаламкашлар тўғрисида келмаган. Унда ишқ водийси сифати қаламга олиниб, жумладан:

Борча қушнинг оти
булбул бўлмади,
То азалдин ишқ аро кул
бўлмади, –

дейилган. Бироқ мисрани узиб олиб тушунганда адабиёт оламида қўлига қалам ушлаганларнинг ҳаммаси ҳам чинакам ижодкор даражасига кўтарилиши қийин, демак, бунинг учун, аввало, истеъдод бўлиши лозим, қолаверса, бу юксак даражага етиш учун тинимсиз, ҳатто, умр бўйи интилиш, меҳнат-машаққат чекиш орқали эришилади, деган маъно келиб чиқади. Бунга шоирларни булбулга ўхшатиш анъанаси ҳам асос беради.

Тўртинчи шиор:

Сўз келиб аввал-у
жаҳон – сўнгра.

Бунда, олдинроқ айтиб ўтилганидек, дунёнинг сўздан бошланиши уқтириляпти. Бу ҳар бир қаламкашни масъулият ҳиссини кучайтиришга, сўзга талабчан бўлишга, шундай юксак мўъжизага эҳтиётлик билан муомала қилишга чорлайди. Байт ҳолида бу сўзлар шундай жаранглайди:

Сўз келиб аввал-у,
жаҳон – сўнгра,
Не жаҳон, кавн ила
макон – сўнгра.

Бу "Сабъайи сайёр"нинг сўз таърифидаги бешинчи бобидан олинди.

Бешинчи шиор:

Бил ҳам аввал сўз-у, ҳам
охир – сўз.

Бу ҳам "Сабъайи сайёр"-нинг бешинчи бобидан. Байтда у:

Аввалу охирингга
солгил кўз,
Бил ҳам аввал сўз-у
ҳам охир – сўз, –

тарзида келади. Сўз борлиқнинг аввали экани соҳиби қаламга бир масъулият бўлса, дунёнинг охири ҳам сўзга боғлиқ экани икки масъулият юклайди. Буни диний маънода тушунганда, рўзи маҳшар кўзда тутилгани ойдинлашади. Бироқ тимсолий маънода, айнан сўз, яъники гўзаллик, санъат, маънавият дунёни ушлаб туради, деб тушуниш керак.

Олтинчи шиор:

Ки сўз зодайи табъу
фарзанд эрур.

Сўзни фарзанд дейиш билан Навоий ёзган асарларини кўзда тутган. Чунки ижодкор учун асари – худди фарзанди янглиғ азиз. Бу унинг умри, меҳнати, орзуси...

Бу мисрани шоир "Садди Искандарий"нинг энг сўнгги бобида айтади. Байт шундай жаранглайди:

Ки сўз зодайи табъу
фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур,
жонга пайванд эрур.

Демак, фарзанд кишининг жонига пайванд бўлгани каби, асар ҳам – таъбнинг, кўнгилнинг фарзанди, у ҳам жонга вобаста. Жон қуйдириб битилмаган асарнинг эса умри – қисқа.

Бу шиорларнинг ҳар бири кишига илҳом улашади. Аҳли қаламни ҳушёр торттиради. Сўзнинг қадрини баланд тутишга ундайди.

Булар, аввало, ёш ижодкорлар учун йўлни ёритувчи маёқ янглиғ зарур.

Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос.

(Давоми. Боши 1-бетда).

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ТАОМ ТАНОВУЛИДА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Дастурхонингизга қўйиладиган таому ноз-неъматлар айнимаган ва сифатли бўлиши зарурлигини доимо унутмаслик лозим. Сифатсиз тайёрланган ёки муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш ҳоллари, афсуски, учраб турибди.

Гастроэнтерит аломатлари билан кечадиган касалликлар орасида асаб тизимини ҳам зарарловчи ботулизм алоҳида ажралиб туради.

Одам фақат зарарланган овқатни эмас, балки касаллик қўзғатувчи микроблар кўпайган таом еганда ҳам заҳарланади. Шуни унутмаслик керакки, нотўғри сақланган озиқ-овқат маҳсулотларида касаллик қўзғатувчилар кўпаяди. Масалан, қайнатилган сут +37°С ҳароратда сақланганда 6-7 соат ичида, +16-20°С да эса 12-15 соатда микроблар касаллик пайдо қиладиган даражада кўпаяди. Гўшт қиймасида +37°С да 8-10 соатдан сўнг, +16-20°С иссиқликда 18-24 соатдан кейин микроблар кўпайиб кетади. Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланаётган пайтда ҳам ифлосланиши мумкин. Масалан, хом гўшт тўғралган тахтакачда пиширилган масаллиқларни тўғраш мумкин эмас. Қўлларида йирингли касалликлари бўлган кишилар ёки ангинанинг, ҳатто, енгил тури билан оғриганлар, шунингдек, юқори нафас йўллари шамоллаганлар ҳам овқат тайёрлашда қатнашмаганлари маъқул.

Шу мақсадда ошхоналарда зарур гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Ошхона доимо тоза тутилиши, идиш-товоқларни қайноқ сув, дезинфекцияловчи моддалар билан ювиш зарур. Хом ва пиширилган масаллиқлар, жумладан, котлет, қайнатиб пиширилган гўшт, сосиска, сарделька, яхна +6°С дан юқори бўлмаган ҳароратда (музлаткичнинг юқори қаватида, музхона тагида) сақланиши керак. Гўшт қиймаси эса 6 соатдан ортиқ сақланмаслиги лозим. Пиширилган гўштни 12 соат, қиймани 24 соатдан ортиқ сақлаб бўлмайди. Тайёр таомларни музлаткичда кўпи билан 12 соат сақлаб, ейишдан олдин иситиш шарт.

Музлаткичнинг битта қаватида тайёр овқатлар, ярим фабрикатлар ёки хом масаллиқларни бирга сақлаш мумкин эмас.

Масаллиқлар пашша тегмайдиган ҳолда сақланиши, овқат тайёрланадиган жойда эса ҳашаротлар бўлмаслиги керак. Дераза ва эшикларга тўр тутиш зарур.

Мажбуран сўйилган ҳайвонлар гўштини фақат ветеринария назорати маълумотномаси билан сотишга рухсат этилади.

Дилобар НОРМАТОВА,
Қибрай туман
Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими бошлиғи, олий тоифали санитария врачи.

СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Зангиота туманидаги "Убай Мусаев" номли ўйингоҳда футбол фидойиси, мураббий Муҳаммадали Нишонбоев хотирасига бағишлаб, 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида анъанавий турнир ўтказилди.

Тумандаги 6 та мактаб жамоалари яшил майдонга чиқди. Муросасиз курашлар остида ўтган мусобақада биринчи ўринни Раҳмат Шерматов бошчилигидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари эгаллашди.

Иккинчи ўринни 32-мактаб, учинчи ўринни 16-мактаб жамоалари қўлга киритди.

Турнир сўнгида ғолиб ва совриндорларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

ЖИНОЯТ кўчасидаги АЁЛ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимизнинг биринчи ордени – "Соғлом авлод учун" деб номланиши ҳам баркамол авлодни дунёга келтираётган аёлларга ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.

Аммо, афсус билан қайд этиш жоиз, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш борасидаги бундай эзгу ишларга қарамасдан, "аёл" деган муқаддас номга доғ тушириб, турли иллату жиноятлар ботқоғига ботаётганлар ҳам йўқ эмас.

...Икки нафар гулдай фарзанди эндигина балоғатга етай деганда Нафисани "шайтон йўлдан урди". Аввалига турмуш ўртоғининг ойлик маошига қаноат қилмай, бозорга чиқди. Ҳар куни қўлидан жарақ-жарақ пул ўтиб, ҳаволанди. Уй-рўзғор, фарзандлар тарбиясига "вақти етмай" қолди. Аксинча, ҳали яхши-ёмонни фарқига бормайдиган болаларини ҳам пулга ўргатди. Нафси ҳаккалак отди. Қўшни мамлакат фуқаросининг мўмай пул ишлаш ҳақидаги қиғир таклифига лаққа тушган Нафиса жиноятга қўл урди. Гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғулланаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан озодликдан маҳрум этилди.

Албатта, у жиноятига яраша жазо олди, бироқ унинг оиласи-чи? Ҳалол ишлаб кун кечираётган турмуш ўртоғи жиноятчи аёл билан яшамайман, деб ажралиш учун ариза берди. Истаганича пул сарфлаб ўрганган қизи эса безориларга қўшилиб, иффатини йўқотди, бузуқлик кўчасига кирди. Мактабни эндигина битираётган ўғли гиёҳванд бўлиб қолди.

Биргина аёлнинг калта ўйлаши, иродаси сустлиги туфайли гулдай бир оила барбод бўлиб, фарзандлар азоб-уқубатларга учради. Хўш, бунга ким айбдор? Қамоқхонада ўтирган Нафиса шу ҳақда қайта-қайта ўйлар экан, буларнинг барчасига ўзимнинг ношукрлигим, нафсим сабаб, деган қарорга келди. Аммо энди кеч...

Мутахассисларнинг фикрича, аёллар содир этадиган жиноятлар асосан иқтисодий жиноятлар – ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳванд моддалар савдоси, фоҳишалик каби иллатлар билан боғлиқ. Нима учун айнан иқтисодий жиноятлар? Балки аёллар оиладаги моддий етишмовчиликни катта фожиа, деб билишар? Лекин жиноят содир этган аёлларни ҳаммасининг оиласида ҳам моддий етишмовчилик бор, деб бўлармикан? Кўп ҳолларда ортиқча зеб-зийнатга, мол-дунёга ҳирс қўйиш аёлларни жиноят йўлига бошламаётганмикан? Халқимизнинг "Ойда еган тўқ, кунда еган суқ бўлур", деган мақоли ана шундай кимсаларга нисбатан айтилган бўлса ажаб эмас.

Халқимиз ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан машҳур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оиласини сақлаб қолиш, фарзандларининг бахту саодати, иқболи учун ҳамма нарсага тайёр туриш ўзбек аёлига хос бетимсол фазилатлардан эмасми. Ота-боболаримиз айниқса қиз боланинг тарбиясига энг нозик ва муҳим масала сифатида алоҳида эътибор қаратганлар. Саҳиҳ ҳадисларнинг бирида "Фарзандларингизга бир хил муомалада бўлинглар, агар улардан бирортасини устун кўйиш керак бўлса, қизларингизга кўпроқ аҳамиятли бўлинг", дейилган.

Шунчалар эътибор ва эъзозга қарамасдан ор-номус, ҳаё, иффатдан воз кечиб, жиноят кўчасига кираётган аёлларнинг учраётгани афсусланарли. Бу нафақат бугунги кун, балки келажак авлод ҳаётига ҳам раҳна соладиган аянчли иллатлардан биридир.

Аёллар сақланаётган жазони ижро этиш муассасаларидан бирига бордик. Қамоқхонанинг залворли темир эшиклари очилиб, соқчилар назоратида бўлган аёллар истамайгина қадам ташлаб, ҳовлига чиқишди. Уларнинг ҳар бирида дунёларга сиғмас дард, армон, алам, тоғдек пушаймон бор. Дилларини соғинч, айрилиқ, афсус кемирмоқда. Улар берилган жазо муддати қачон тугаши ҳақида эмас, кўпроқ эртанги тақдирлари ҳақида ўйлаб эзилади. Шу ҳақда ҳаёл сурар экан, ўз-ўзидан вақимага тушади. "Қамалган" деган ном қўксиларини оловдек куйдиради.

– Мен исмимни айтишга ҳам уяламан, – дейди 28 ёшлардаги кўҳликкина жувон. – Чунки шу ерда ўтиришимнинг ўзи азиз ва муқаддас саналган она тимсолига, аёл номига бўлган хиёнатдир. Минг афсус, буни жуда кеч – шу ерга келганимдан кейингина англадим. Иродамнинг сустлиги, турмушдаги оддий муаммоларни "кўпиртириш", ҳаётга, оилага енгил қараш мени шу кўйга солди...

"Эр кишининг ор-номуси ўлгунча ўзи ўлсин", деган гап бежиз пайдо бўлмаган. Бу гап хотин-қизларга ҳам бирдек тегишли. Шу маънода аёл кишининг жиноятга қўл уриши нафақат эрига, балки оиласига, ор-номусига қарши оғир жиноятдир. Улуғ алломаларимиздан бири таъкидлаганидек, "Қайси бир миллатни яксон қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини – бўлажак оналарининг тарбиясини издан чиқаринг. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, унинг қизларини – бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг".

Миллат танламас, чегара билмас "оммавий маданият" бутун дунёга ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Миллатнинг эртасига, келажак авлод тақдирига чанг соладиган бундай ёвуз мақсадлар жамиятнинг энг нозик, айни пайтда энг муҳим нуқтасини заҳарлашга ҳаракат қилади. Миллий маънавиятимиз асоси бўлган оиладаги ижтимоий муҳитга, фарзандлар тарбиясига, эрухотин ўртасига бузғунчилик уруғини "қадайди".

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида қуйидагиларни таъкидлайди: "Ирода бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади."

Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта. Бугун жамиятизда ана шундай улуғ номга доғ тушираётган аянчли ҳолатлар барчамизни ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаши табиий.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учтепа туманидаги «VAQT-G`ANIMAT» хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади.

ЧП «POYTAXT EHTIYOT QISM SERVIS» сообщает о преобразовании в ООО «POYTAXT EHTIYOT QISM SERVIS». Претензии принимаются в течение одного месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Мирзо Улугбека, д. 82-А.

Тошкент қурилиш техникуми томонидан 1990 йилда Эшматов Бахтиёр Суюнович номига берилган NT-1 № 228577 (рўйхат рақами 94) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақроран Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент вилояти хўжалик судининг 09.08.2010 й., №11-1028/13660 ижро ҳужжатига асосан хатланган "Стар Надежда ТКК" МЧЖга тегишли: 1. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 9-уйда жойлашган, 42 хонали маъмурий бино, 8 хонали ҳаммом, 2 хонали ёрдамчи бино, 1 хонали қоровулхона, 1 хонали ҳожатхона, 2 хонали қозонхонадан иборат, жами ер участкасининг умумий майдони 0,5883 га, фойдаланиш майдони 994,3 кв.м., қурилиш майдони 646,6 кв.м. бўлган кўчмас мулк иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм;

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 28-уйда сақланаётган: 2. "Белаз-7540В" русумли, инвер. рақами №21 бўлган, 2006 йилда и/ч карьер самосвали. Бошланғич баҳоси – 67 500 000 сўм. 3. "Белаз-7540В" русумли, инвер. рақами №22 бўлган, 2006 йилда и/ч карьер самосвали. Бошланғич баҳоси – 67 500 000 сўм. 4. "Белаз-7540В" русумли, инвер. рақами №23 бўлган, 2006 йилда и/ч карьер самосвали. Бошланғич баҳоси – 67 500 000 сўм. 5. "Белаз-7540В" русумли, инвер. рақами №24 бўлган, 2006 йилда и/ч карьер самосвали. Бошланғич баҳоси – 67 500 000 сўм. 6. "Белаз-7540В" русумли, инвер. рақами №25 бўлган, 2006 йилда и/ч карьер самосвали. Бошланғич баҳоси – 67 500 000 сўм. 7. "Камаз-5320" русумли, д/р 11АХ536 бўлган, 1983 йилда автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 25 000 000 сўм. 8. "Урал-375" русумли, д/р 11АS739 бўлган, 1983 йилда автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 500 000 сўм.

II. "Москвич-412" русумли, д/р 11V6328 бўлган, 1984 йилда автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.03.2007 й., №2-48-07. Бошланғич баҳоси – 738 930,93 сўм.

Аукцион савдосига тақроран Чиноз тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Зил-ММЗ-4502" русумли д/р Х482ULM бўлган, 1988 йилда и/ч, Чиноз туман ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.09.2009 й. №733/2009. Бошланғич баҳоси – 4 598 950,50 сўм. 2. "Камаз-53212" русумли д/р 01Q294АА бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 29.10.2009 й. №248/09. Бошланғич баҳоси – 14 009 922 сўм. 3. "Камаз-5320" русумли д/р 01J128ЕА бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.03.2010 й. №1-84/10. Бошланғич баҳоси – 15 788 190,60 сўм (юқоридаги автотранспортлар "Чинозматлуботинвест" МЧЖ омборида сақланмоқда). 4. "Камаз-55102" русумли, д/р 17Х7843 бўлган, 1990 йилда и/ч, Тошкент вилояти Суд департаментининг янги биносида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 23.11.2009 й. №138/2009. Бошланғич баҳоси – 19 194 423,30 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 1 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

Компания ООО "GOFROTARALUX" Яккасарайского района (ИНН 202855266) уменьшает уставной фонд с 67 605 000 сумов до 60 844 500 сумов.

Учтепа тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2010 йил 7 январда № 003388-01 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ORIGINAL BEBISH PINE" (ИНН 301430398, ОКОНХ 71280) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 255 860 000 (икки юз эллик беш миллион саккиз юз олтмиш минг) сўмдан 195 860 000 (бир юз тўқсон беш миллион саккиз юз олтмиш) минг сўмга камайганлигини эълон қилади.

Дополнение к объявлению опубликованного в газете "Тошкент хакикати" в 2010 году 25 декабря об утерянном свидетельстве № 03644 об окончании 8 летней вспомагательной школы-интерната № 103 Хамзинского района г. Ташкента, выданное в 1977 году на имя Лозинского Валерия Анатольевича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "TOSHKENT MAHSUSMONTAJ", расположенное по адресу: Хамзинский район, ул. Джаркурганская, 22-А, зарегистрированное решение хокима Хамзинского района № 000505 от 24.01.2005г. (ИНН 205338978), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение о добровольной ликвидации № 01/11 от 28.01.2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев по тел.: 476-26-58.

Собир Раҳимов ТСРЎИ томонидан 2009 йил 13 ноябрда № 0510199 рақам билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор "Мирхайдаров Мирзуфар Мирсабитдинович" номига берилган гувоҳнома (патент), думалоқ муҳр ҳамда бухгалтерия ва ишга оид ҳужжатлар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ҳокимининг 2003 йил 19 июндаги 1123-сонли қарори билан ҳамда 08-001005-сонли реестр рақам билан давлат рўйхатига олинган (СТИР 200798964) "ABDURASUL" хусусий фирмаси, Чилонзор тумани ҳокимияти ТСРЎИнинг 2011 йил 2 февралдаги 006618-08-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган, (СТИР 301823311) бўлган "JURABEK STYLE" масъулияти чекланган жамияти таркибига тўлиқ бирлаштирилишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани, Беш ёғоч даҳаси, 94-уй, 17-хонадонга тегишли Черногаева Гулфира Зуфаровна номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўка Агросаноат ва транспорт КҲКга олиб келинган К № 265938 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "OMAD BARAKA PLYUS" (ИНН 301449246) Юнусабадского района сообщает о преобразовании в ООО "OMAD BARAKA PLYUS".

ООО "AZIYA SPESPRIBOR PLUS" (ИНН 207001178, ОКОНХ 71150, ОКПО 22823920), зарегистрированное в хокимияте Яккасарайского района г. Ташкента за № 004609 от 09.06.2009г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно решения учредителя № 7 от 4.02.2011г.).

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. У. Носир 2-вагонный, дом 1. Тел.: 445-35-36.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 15953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12